

ҚОРАБОҒ МОЖАРОСИ. ТУРКИЯ ВА РОССИЯНИНГ ЎРНИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7792066>**Киямова Нилуфар Шухрат кизи***Халқаро иқтисодиёт ва дипломатия университети
магистри*

Аннотация: Ушбу мақола Қорабоғ можароси ҳақида бўлиб Туркия ва Россия орасидаги можарга таъсири келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Туркия ва Россия, Қорабоғ, можаро, Париж Тинчлик Конференцияси, уруш, империя, Минск гуруҳи

Аннотация: Эта статья посвящена карабахскому конфликту и его влиянию на конфликт между Турцией и Россией.

Ключевые слова: Турция и Россия, Карабах, конфликт, Парижская мирная конференция, война, империя, Минская группа

Annotation: This article is about the Karabakh conflict, citing its influence on the conflict between Turkey and Russia.

Keywords: Turkey and Russia, Karabakh, conflict, Paris Peace Conference, War, Empire, Minsk Group

Уруш, одамларни уйини тарк этишга, яқинларини қон ичида кўришга, онани жигарпорасидан айрилишига, аёлларни бева, фарзандларни етим бўлишга сабаб бўлади. Озарбайжон ва Арманистоннинг узок тарихга бориб тақаладиган низолари 2020 йилнинг 27 сентябрь куни яна оловланди. 44 кун давом этган Иккинчи Қорабоғ уруши ёки “Ватан муҳорабаси” номи билан тарихга кирган ҳарбий тўқнашувлар роппа-роса 2 йил олдин, аниқроғи 2020 йилнинг 9 ноябрдан 10 ноябрига ўтар кечаси Озарбайжон, Арманистон ва Россия давлат раҳбарларининг “Тоғли Қорабоғда ўт очишни тўхтатиш тўғрисида”ги баёнотни имзолаши билан якунига етганди. Шуниси аниқки, уруш якунларига кўра Туркия қўлловидаги Озарбайжон ғалаба қилди. Россиянинг ёрдамига умид қилган Арманистон эса мағлубиятга юз тутди.

Қорабоғ кимга тегишли?

Қайд этиш керакки, 2020 йилнинг 27 сентябрь куни Қорабоғда ҳарбий ҳаракатлар бошланганида бир савол тез-тез муҳокама мавзусига айланди: Қорабоғ аслида кимга, қайси давлатга тегишли? Табиийки, ушбу муҳокамаларда Арманистоннинг ҳам, Озарбайжоннинг ҳам тарафида турувчи ОАВ ёки тарихчи олимлар етарлича топилди. Баъзилар Қорабоғда тарихан арманлар яшаб келганини иддао қилса, бошқалар ушбу ҳудудлар сўзсиз озарларга тегишли эканини таъкидлади. Лекин ушбу муҳокамаларда баландроқ овозга эга бўлган бошқа бир далил бор. Гап шундаки, жаҳон ҳамжамияти Қорабоғни Озарбайжонники деб тан олган. Агар бирор бир ҳудуднинг тақдири у ерда қайсидир бир халқ ёки миллатнинг яшагани билан

белгиланадиган бўлса, унда дунёнинг сиёсий харитаси ҳозирги кўринишидан анча фарқ қилиш керак бўлади.

Жаҳон ҳамжамиятида эса Қорабоғни Озарбайжон худуди деб ҳисоблаши учун етарлича ҳуқуқий сабаблар бор. Биринчи Жаҳон урушидан сўнг, Кавказортида катта таъсирга эга бўлган Буюк Британия ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Қорабоғнинг Озарбайжон таркибида бўлишини маъқул деб топган. Шунингдек, 1920 йилги Париж Тинчлик Конференциясида ҳам Қорабоғ тақдири Озарбайжон фойдасига ҳал қилинган. 1920 йилги “советлаштириш”дан кейин ҳам Тоғли Қорабоғ Озарбайжон ССР таркибида қолдирилган. Ҳатто, 1923 йилда Тоғли Қорабоғ автоном вилоят деб эълон қилинганда ҳам у Озарбайжон ССР таркибида қолган.

Нега можаро айнан 2020 йилда ва кузда авж олди?

Жанубий Кавказ бўйича мутахассислар Қорабоғда Озарбайжон ва Арманистон ўртасида фаол ҳарбий ҳаракатларнинг 2020 йил кузида бошланганига кўплаб омиллар таъсир кўрсатганини таъкидлайди. Жумладан, ушбу даврга келиб Озарбайжон Арманистонга нисбатан катта ҳарбий устунликка эга бўлди. Хусусан, 2000-йилларда нефть саноати ривожланишидаги “бум” ва олинган катта даромадлар Озарбайжонга яхши тайёрланган ва қуролланган армия ташкил қилишга ёрдам берди.

Сурия ва Ливиядаги можароларга муваффақиятли аралашувидан сўнг Туркиянинг минтақадаги таъсири кескин ошганди. Яқин иттифоқчи ҳисобланган расмий Анқаранинг тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлаши Озарбайжон раҳбариятида муваффақиятга эришишга ишонч уйғотди. Бошқа томондан дунёнинг етакчи давлатлари коронавирус инқирози билан овора бўлиб қолганди. Хусусан, пандемиядан чуқур азият чекаётган Қўшма Штатларда бошқа масала – президентлик сайловлари сиёсий раҳбариятнинг асосий эътиборида бўлиб турганди. Бундан ташқари, Дональд Трампнинг бошқаруви даврида расмий Вашингтон ташқи сиёсатда кўпроқ протекционизмни қўллади. Шу билан бирга, АҚШнинг эътибор марказида Қорабоғдаги можаро эмас, балки Хитой билан рақобат турарди.

Россия Қорабоғ можаросида довдираб қолдими?

Россия ҳам Арманистон, ҳам Озарбайжон билан кўп асрлик тарихга эга. Бундан ташқари, ҳар икки республика бир вақтлар СССР таркибида бўлган. Шу билан бирга, географик жиҳатдан улар Кавказортида, аниқроғи Россиянинг шундоққина “бикини”да жойлашган.

Россия ҳар икки давлатга ҳам қурол-яроғ етказиб беради. Бундан ташқари, у ЕХҲТ “Минск гуруҳи”нинг ҳамраиси ҳисобланади. Айнан ушбу гуруҳ узок йиллардан бери Қорабоғ можаросига ечим топа олмади.

Россия компаниялари Арманистонда йирик иқтисодий активларга эга бўлса, Озарбайжонда нефть саноатига сармоя киритган. Нафақат Арманистон, балки Озарбайжоннинг ҳам кўп сонли фуқаролари Россияда ишлайди. Озарбайжоннинг ўзида ҳам рус миллатига мансуб бўлганлар етарлича топилади. Тахминларга кўра, Россия шу сабабларга кўра Баку ёки Ереванни қўллаб-қувватлаш борасида аниқ позицияни эгаллай олмаган.

Туркиянинг Тоғли Қорабоғ урушидаги ўрни ёхуд “бир миллат, икки давлат” сиёсати

Туркия ва Озарбайжон халқлари бир-бирига яқин тарихий ва маданий ришталар билан боғланган, улар бир тил оиласига мансуб онадўли туркчасида гаплашади. Сиёсий жиҳатдан Туркия ҳар доим Озарбайжонни қўллаб-қувватлаган, айниқса, СССР парчаланганидан кейин.

Бундан ташқари, Туркия ва Озарбайжон қайсидир маънода умимий душманга эга. Бу - Арманистон. Озарлар ва арманлар ўртасидаги совуқчилик Тоғли Қорабоғ билан боғлиқ бўлса, Туркия ва Арманистон ўртасидаги нодўстона муносабатлар “Арманлар геноциди” ҳамда бу борада Анқарага “отилаётган тошлар” ва айбловлар билан боғлиқ. Қайд этиш керакки, Туркия СССРдан ажралиб чиққан Арманистонни биринчилардан бўлиб тан олган бўлса-да, ҳалигача икки ўртада дипломатик алоқалар ўрнатилмаган. Икки давлат 311 километрли умумий чегарага эга бўлишига қарамай, улар на автомобиль ва на темир йўл билан боғланган. Ўзаро савдо эса Грузия ҳудуди орқали амалга оширилади.

Туркия икки давлат билан ўта фарқли муносабатда экани маълум. Тоғли Қорабоғ можаросидаги расмий Анқаранинг роли ҳам шу билан боғлиқ. Ҳарбий салоҳияти бўйича дунёда 11-ўринда турувчи Туркия Қорабоғ урушида фаол тарзда Озарбайжонни ҳам руҳий, ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий жиҳатдан қўллади. Аслида, Туркия Биринчи Қорабоғ урушидан бери Озарбайжонни қўллаб келади. 2010 йилда икки давлат ҳарбий ҳамкорлик борасида стратегик шерикликка эришгач, ушбу қўллов амалий кўриниш касб эта бошлади. Шундан сўнг, Туркия Озарбайжон Қуролли Кучлари учун зобитлар тайёрлаб, ушбу давлатга қурол экспорт қилиш бўйича Россия ва Исроилдан сўнг учинчи ўринга чиқди. Айниқса, ўтган 2020 йилда қурол экспорти 6 баробарга ортиб кетди. Тоғли Қорабоғдаги тўқнашувлар олдидан эса бу икки давлат ўзаро ҳарбий дала ўқув машғулотларини ўтказди. Машғулотлар якунида Туркия Озарбайжонда 2 та F-16 қирувчи самолётини ҳам қолдиргани айтилади. Туркияда ишлаб чиқарилган Ваурактар учувчисиз ҳарбий аппаратларининг ҳам Озарбайжон ғалабасини таъминлашдаги ўрни юқори бўлди.

Иккинчи Қорабоғ урушининг якунлари

Озарбайжон 2020 йилнинг 27 сентябридан 10 ноябрга қадар давом этган Иккинчи Қорабоғ урушида Арманистон устидан ишочли ғалабага эришди. Биринчи Қорабоғ урушида (1992-1994 йиллар) йўқотилган ҳудудларни қайтариб олинди. Бунинг ордидан Озарбайжонда байрам ва тантана, Арманистонда эса оммавий митинглар бошланиб кетди.

2020 йил 10 ноябрга ўтар кечаси Россия, Арманистон ва Озарбайжон етакчилари Владимир Путин, Никол Пашинян ва Илҳом Алиев келишувга эришдилар, унга кўра можаро томонлари - Ереван ва Баку ўзаро ҳарбий ҳаракатларни амалдаги позициясида тўхтатди.

44 кунлик уруш якунларига кўра, Озарбайжон армияси мамлакатнинг 5 шаҳри, 4 та посёлка ва 286 та қишлоғини арман босқинчиларидан озод қилди. Озарбайжон

Қуролли Кучларининг 2, 9 мингдан ортиқ ҳарбий хизматчиси ўз она юртларини озод қилиш учун курашда ҳалок бўлди.

Калбажар, Лочин ва Афдам тумани Озарбайжон назоратига ўтди. Шунингдек, Озарбайжон қўшинлари Шуша шаҳри, Қубадли, Зангилон, Фузули ва Жаброил туманларини озод қилди.

Ўз навбатида, Арманистон Қуролли Кучларини Қорабоғдан олиб чиқиб кетди. Ўт очишни тўхтатишни таъминлаш учун Россия тинчликпарвар кучлари минтақага кирди. Улар, жумладан, ҳудудни миналардан тозалаш билан шуғулландилар. Шунингдек, уларнинг воситачилигида можаро томонлари ҳарбий маҳбусларни алмашди. Россиялик ҳарбий хизматчилар Қорабоғда камида 2024 йилгача қолади. Улар ҳар уч томоннинг розилиги билан минтақада яна 5 йилга қолиши мумкин.

Олдинроқ Арманистон бош вазири Никол Пашинян Россия президенти Владимир Путинга илтимоснома жўнатиб, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш учун ёрдам сўрагани ҳақида ёзгандик. Россия ТИВ бу сўровга жавоб берди.

Унга кўра, агар Арманистонда ҳарбий тўқнашувлар юзага келсагина Москва Ереванни қўллаб-қувватлайди. Вазирлик бундай қарор Россия ва Арманистон ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам шартномасига мувофиқ қабул қилинганлигини таъкидлади. Шу билан бирга, Москва Ереван билан муносабатларда иттифоқчилик мажбуриятларига содиқлигини яна бир бор тасдиқлади.

Россия департаменти ўз баёнотида яна бир бор Тоғли Қорабоғ можароси томонларини зудлик билан ўт очишни тўхтатиш ва тинч йўл билан ҳал қилишга чақирди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Озарбайжонинг маданий мероси: Культурное наследие Азербайджана” (2016), О‘збек ва рус тилларида.
2. Тарих фанлари доктори, профессор Али Ҳасановнинг “Геосиёсат” китоби (2016) — таржимон Бабахан Шарифов. О‘збек тилида.
3. Ш.Саламов “Карабах — война идей” (2016), Рус тилида.
4. Шухрат Саламов. “Г‘оялар жанги“. XIX-XX аср.. Туркистон ва Жанубий Кавказ. Т., — 2017. О‘збек тилида.
5. Абдували Сайбназаров. Человечность, уничтоженная в Ходжалинском геноциде. -Т., 2017. О‘збек ва рус тилларида.

ЭЛЕКТРОН ТА’ЛИМ RESURSLARI:

1. www.gazeta.uz
2. www.kun.uz